ЛЕНИН БАЙРОҒИ—ЗАФАР БАЙРОҒИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 80 (4071).

23 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Яшасин абадий барҳаёт интернационал таълимот, социализм ва коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи—марксизм-ленинизм!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Владимир Ильич ЛЕНИН.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Владимир Ильич Ленин туғилган кун Совет халқи ва бутун прогрессив инсоният зўр муҳаббат билан нишонлайдиган шонли санадир. Ҳар бир меҳнаткаш қалбидаги энг олижаноб, порлоқ, азиз нарсаларнинг ҳаммаси мана шу буюк номда мужассамланган. Ленин — янги дунёнинг байроғи, озодлик ва социал тараққиёт учун ер юзида социализм ва коммунизм учун кураш байроғидир. Жаҳон тараққиёти Ленин башорат қилганидек бораётганлигини турмуш тасдиқламоқда.

Доҳийнинг юз йиллик юбилейига роса бир йил қолди. Бу йил тарихга ленинча меҳнат вахтаси йили бўлиб киради. 12 апрель куни халқимиз Буюк починнинг 50 йиллигини нишонлаган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги шонли сана йўлида ажойиб босқич бўлди.

...Кремлдаги съездлар саройи. 22 апрель куни Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 99 йиллигига бағишлаб бу ерда ўтказилган тантанали мажлисга Москва партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, пойтахт корхоналарининг ишчилари ва инженерлари, Москва областининг меҳнаткашлари, совет армияси ва флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари келишди.

Соат 17. Мажлис аҳли қизғин қарсаклар билан кутиб олган Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, М. С. Соломенцев президиумдан ўрин оладилар.

Президиумда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига келган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Т. Живков, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар, Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Е. Фок, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ГДР Давлат Кенгашининг раиси В. Ульбрихт, ГДР Министрлар Советининг раиси В. Штоф, Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Н. Чаушеску, РСР Министрлар Советининг Раиси И. Маурер, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, ЧССР Федерал ҳукуматининг раиси О. Черник, чет эллик бошқа меҳмонлар президиумга чиқиб келганларида мажлис аҳли уларни қарсаклар билан кутиб олди.

Партия ветеранлари А. И. Микоян, Н. М. Шверник, Ф. Н. Петров, Л. А. Фотиева ва бошқалар президиумдан жой оладилар.

Ложаларда чет эллик дипломатлар, совет ва чет эл мухбирлари ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин тантанали мажлисни очди.

— Бугун совет халқи ва барча прогрессив инсоният, — деди у,— коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси, марксизмнинг гениал назариётчиси, коммунистик интернационалнинг ташкилотчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 99 йиллигини нишонламоқда.

Бизнинг шу шонли санага бағишланган тантанали мажлисимизда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардан шу кенгаш сессиясига келган коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлари ҳамда ҳукуматларининг бошлиқлари қатнашмоқдалар.

В. В. Гришин чет эллик меҳмонларни мажлис аҳли номидан самимий табриклайди.

Тантанали мажлис очиқ деб эълон қилинади. Пионерлар президиум аъзоларига қизил гулдасталар тақдим этадилар. Съездлар саройининг гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимнининг садолари янграйди.

«Ленинизмга садоқат — барча ғалабаларимиз манбаи» мавзуида доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитоновга сўз берилади.

Доклад тугайди. Мажлис қатнашчилари партия гимни «Интернационал»ни куйлайдилар. (ТАСС).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқларининг иштироки билан ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан қатнашувчи делегацияни тасдиқладилар. Делегация составида қуйидагилар бор: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев (делегация раҳбари), КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг Раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. А. Кириллин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков.

СССР ВА ЧССР ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Москвага келган ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак ва ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР федерал ҳукуматининг Раиси ўртоқ О. Черник шу йил 22 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашдилар.

Учрашув чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф Катушев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Н. К. Байбаков, СССР ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ К. В. Русаков қатнашдилар.

Учрашув самимият ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ—БАРЧА ҒАЛАБАЛАРИМИЗ МАНБАИ

В. И. Ленин туғилган кунинг 99 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ доклади

Ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 99 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқдалар.

Қардош социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, халқаро ишчилар синфи ва жаҳон коммунистик ҳаракати, бутун илғор инсоният ана шу буюк номда мужассамланган. Ленин — янги дунёнинг байроғи, озодлик ва социал тараққиёт учун ер юзида социализм ва коммунизм учун кураш байроғидир. Жаҳон тараққиёти Ленин башорат қилганидек бораётганлигини турмуш тасдиқламоқда.

Доҳийнинг юз йиллик юбилейига роса бир йил қолди. Бу йил тарихга ленинча меҳнат вахтаси йили бўлиб киради. 12 апрель куни халқимиз Буюк починнинг 50 йиллигини нишонлаган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги шонли сана йўлида ажойиб босқич бўлди.

...Кремлдаги съездлар саройи. 22 апрель куни Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 99 йиллигига бағишлаб бу ерда ўтказилган тантанали мажлисга Москва партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, пойтахт корхоналарининг ишчилари ва инженерлари, Москва областининг меҳнаткашлари, совет армияси ва флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари келишди.

Соат 17. Мажлис аҳли қизғин қарсаклар билан кутиб олган Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, М. С. Соломенцев президиумдан ўрин оладилар.

Президиумда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига келган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Т. Живков, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар, Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Е. Фок, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ГДР Давлат Кенгашининг раиси В. Ульбрихт, ГДР Министрлар Советининг раиси В. Штоф, Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Н. Чаушеску, РСР Министрлар Советининг Раиси И. Маурер, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, ЧССР Федерал ҳукуматининг раиси О. Черник, чет эллик бошқа меҳмонлар президиумга чиқиб келганларида мажлис аҳли уларни қарсаклар билан кутиб олди.

Партия ветеранлари А. И. Микоян, Н. М. Шверник, Ф. Н. Петров, Л. А. Фотиева ва бошқалар президиумдан жой оладилар.

Ложаларда чет эллик дипломатлар, совет ва чет эл мухбирлари ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин тантанали мажлисни очди.

— Бугун совет халқи ва барча прогрессив инсоният, — деди у,— коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси, марксизмнинг гениал назариётчиси, коммунистик интернационалнинг ташкилотчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 99 йиллигини нишонламоқда.

Бизнинг шу шонли санага бағишланган тантанали мажлисимизда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардан шу кенгаш сессиясига келган коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлари ҳамда ҳукуматларининг бошлиқлари қатнашмоқдалар.

В. В. Гришин чет эллик меҳмонларни мажлис аҳли номидан самимий табриклайди.

Тантанали мажлис очиқ деб эълон қилинади. Пионерлар президиум аъзоларига қизил гулдасталар тақдим этадилар. Съездлар саройининг гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимнининг садолари янграйди.

«Ленинизмга садоқат — барча ғалабаларимиз манбаи» мавзуида доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитоновга сўз берилади.

Доклад тугайди. Мажлис қатнашчилари партия гимни «Интернационал»ни куйлайдилар. (ТАСС).

Ҳозирги вақтда ҳар уч инженернинг бири, ҳар икки агроном ва зоотехниклнинг бири, ҳар тўрт ўқитувчининг бири, ҳар беш врачнинг бири партия аъзосидир.

Комсомолда тарбия мактабини ўтган кўп ёшлар партия сафига кираётганлиги қувончли бир ҳолдир. Ленининг шу сўзлари тўғри эканлиги амалда тасдиқланмоқда: «Биз келажак партиясимиз, келажак эса ёшлар қўлидадир. Биз новаторлар партиясимиз, ёшлар эса донмо иштиёқ билан новаторларга эргашиб борадилар» (Асарлар, 4-нашри, 11 том, 368-бет).

Партия ўз сафларини меҳнаткашларнинг энг яхши вакиллари ҳисобига кенгайтира борган ҳолда айни вақтда коммунистларни тарбиялаш, уларни Ленин иши учун актив, онгли, ғоявий жиҳатдан мустаҳкам курашчилар сифатида камолотга эриштириш соҳасида доим иш олиб бормоқда.

Демократик централизм принципига, партия ҳаёти нормаларига қаттиқ риоя қилиш марксчи-ленинчи партиянинг ўзгармас қонуни, унинг мустаҳкамлиги ва куч-қудратининг негизидир. Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган ана шу принцип, ана шу нормалар замоннинг ҳар томонлама синовидан ўтди. Бу принцип ва нормалардан ҳар қандай тарзда чекиниш муқаррар суратда партиянинг ролини заифлаштиришга, унинг ўз жанговар революцион позицияларини қўлдан бой бериб қўйишига олиб боради.

XXIII съезддан кейин партиямизда партия ички демократиясини янада ривожлантириш, коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини кучайтириш процесси содир бўлмоқда. Коллектив раҳбарлик принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг кейинги йилларда бўлиб ўтган пленумларида мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг туб масалалари муҳокама қилинди, жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларига раҳбарликни такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилди. Маҳаллий партия комитетлари пленумлари, бюролари, партия йиғилишларининг роли ошди, партиявий ахборот яхшиланиб бормоқда. Ленинча партиявийлик руҳи, коммунистларнинг коллектив акл-идроки ва коллектив иродаси ҳозирги пайтда партиянинг бутун фаолиятига сингиб боряпти.

Партия ташкилотларининг кундалик ҳаёти амалий, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқиднинг тобора кўпроқ ривожланиб бораётганлиги билан характерланади. Танқид ва ўз-ўзини танқид деган эди Ленин, ҳар қандай жонли ва ҳаётий партиянга даркордир. Партия хато ва камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид қилмай туриб, йўлимизда гов бўлиб турган тўсиқларнинг қаммасини бартараф қилмай туриб, нормал яшай ва ишлай олмайди, олга томон ҳаракат қилиб боролмайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ

Ўртоқлар! Лениннинг ғоят буюк тарихий хизмати шундаки, у большевистик партияни, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, коммунизм тантанаси учун изчил ва мардонавор курашчилар партиясини тузди.

Ленин Маркс билан Энгельснинг ғояларига таяниб, пролетар партияси тўғрисидаги мукаммал, яхлит таълимотни яратди, бу партиянинг ғоявий, ташкилий ва сиёсий асосларини ишлаб чиқди. Ижодий марксизм партиясигина, революцион ҳаракат партиясигина ишчилар синфи зафарли курашининг илҳомчиси, ташкилотчиси ва раҳбари бўла олар эди. Ленин худди шундай партияни яратиб ўстирди. Ленин бу партияни душманнинг қаттиқ ўти остида барпо этди, унга таълим берди, қаттиқ синфий жангларда уни чиниқтирди, барча синовлар орқали улуғ мақсад сари — капитализмни агдариб ташлаш, пролетар диктатурасини ўрнатиш ва янги жамият қуриш сари бошлаб борди.

Ленин партия сафларининг бирлиги учун муросасиз курашди, бу бирликни кўз қорачиғидек асраш, революцион принципларга астойдил содиқ бўлиб қолишни ўргатди. У марксизмни ревизия қилувчи, Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ва бирлигига путур етказувчи киши амалда буржуазияга ёрдам беради, ишчилар синфининг ишига, социализм ишига хиёнат қилади, деб қайта-қайта таъкидлади.

Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг партиямиз марксизм-ленинизмнинг поклигини, ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини ҳамиша сақлаб келди ва сақламоқда. Партия ўзини марксча-ленинча йўлдан тойдиришга уринган троцкийчиларга, ўнг оппортунистлар ва миллатчиларга қарши қатъий курашди. Лениннизмга душман бўлган оқимларнинг тамомила тор-мор қилинганлиги партия бош йўлини муваффақиятли суратда амалга ошириш нинг муҳим шартларидан бири бўлди.

Тарихий тажриба шу нарсани яққол исбот этадики, марксчи-ленинча партиянинг раҳбарлиги жамиятни революцион тарзда ўзгартириш ва социализм ишини қурашда ижодий революцион таълимот бўлмиш «марксизмнинг ҳаётбахш қалби»ни қаттиқ туриб ҳимоя қилди, уни марксистик назарий тафаккурнинг тараққиётида бутун бир даврни ўз ичига олган янги хулосалар ва янги қоидалар билан бойитди.

Илмий коммунизмнинг улуғ ижодкори Карл Маркс ўтмишдаги мутафаккирлар жаҳонни фақат турлича изоҳлаб берган эдилар, аммо бутун гап жаҳонни ўзгартиришдадир, деган ҳаётбахш гапларни айтган эди. Ленин ва у тузган коммунистик партияси мамлакатимизнинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари жамиятни революцион тарзда қайта қуришдан иборат мураккаб буюк вазифани биринчи марта ҳал этдилар.

Совет халқи партия раҳбарлигида янги жамиятни барпо этиб, тинчлик ва социализм ишини, халқлар озодлиги ва мустақиллиги ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, комил ишонч ва қатъият билан Ленин йўлидан бормоқда.

Биз Ленин байроғи остида социализм қурдик. Биз шу байроқ остида социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ жангларда ҳимоя қилдик! Биз Ленин байроғи остида коммунизмнинг янги галабалари сари олга бормоқдамиз!

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 99 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқдалар.

Қардош социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, халқаро ишчилар синфи ва жаҳон коммунистик ҳаракати, бутун илғор инсоният ана шу шонли санани биз билан бирга нишонламоқдалар.

Лениннинг номи ҳар бир совет киши учун, бутун дунёдаги меҳнат аҳли учун ҳамиша яқин ва азиз бўлиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Лениннинг номи барҳаётдир. Йигирманчи асрнинг энг буюк зафарлари — янги типдаги пролетар партиясининг вужудга келтирилиши, Улуғ Октябрь социалистик революцияси, ишчи ва деҳқонлар биринчи давлатининг ташкил топиши, социализмнинг, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг жаҳоншумул-тарихий галабалари Ленин номи билан боғланган.

Ленин мутафаккир ва революционернинг улуғворлигини ўзида мужассамлаштирди. Гениал назариётчи Ленин ўзининг бутун фаолиятини ҳаётни, омманинг тажрибасини чуқур ўрганишга асослаб қурди, ўз фаолиятини меҳнаткашларнинг туб манфаатларига бўйсундирди. Улуғ революционер Ленин ўзининг бутун амалий ишини марксизм назариясининг мустаҳкам пойдевори асосида уюштирди, бу назариянинг принципларига қаттиқ амал қилди. Ленин ревизионистлар ва оппортунистларга қарши курашда ижодий революцион таълимот бўлмиш «марксизмнинг ҳаётбахш қалби»ни қаттиқ туриб ҳимоя қилди, уни марксистик назарий тафаккурнинг тараққиётида бутун бир даврни ўз ичига олган янги хулосалар ва янги қоидалар билан бойитди.

Илмий коммунизмнинг улуғ ижодкори Карл Маркс ўтмишдаги мутафаккирлар жаҳонни фақат турлича изоҳлаб берган эдилар, аммо бутун гап жаҳонни ўзгартиришдадир, деган ҳаётбахш гапларни айтган эди. Ленин ва у тузган коммунистик партияси мамлакатимизнинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари жамиятни революцион тарзда қайта қуришдан иборат мураккаб буюк вазифани биринчи марта ҳал этдилар.

Совет халқи партия раҳбарлигида янги жамиятни барпо этиб, тинчлик ва социализм ишини, халқлар озодлиги ва мустақиллиги ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, комил ишонч ва қатъият билан Ленин йўлидан бормоқда.

Биз Ленин байроғи остида социализм қурдик. Биз шу байроқ остида социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ жангларда ҳимоя қилдик! Биз Ленин байроғи остида коммунизмнинг янги галабалари сари олга бормоқдамиз!

Ўртоқлар! Ленининг ғоят буюк тарихий хизмати шундаки, у большевистик партияни, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, коммунизм тантанаси учун изчил ва мардонавор курашчилар партиясини тузди.

Ленин Маркс билан Энгельснинг ғояларига таяниб, пролетар партияси тўғрисидаги мукаммал, яхлит таълимотни яратди, бу партиянинг ғоявий, ташкилий ва сиёсий асосларини ишлаб чиқди. Ижодий марксизм партиясигина, революцион ҳаракат партиясигина ишчилар синфи зафарли курашининг илҳомчиси, ташкилотчиси ва раҳбари бўла олар эди. Ленин худди шундай партияни яратиб ўстирди. Ленин бу партияни душманнинг қаттиқ ўти остида барпо этди, унга таълим берди, қаттиқ синфий жангларда уни чиниқтирди, барча синовлар орқали улуғ мақсад сари — капитализмни агдариб ташлаш, пролетар диктатурасини ўрнатиш ва янги жамият қуриш сари бошлаб борди.

Ленин партия сафларининг бирлиги учун муросасиз курашди, бу бирликни кўз қорачиғидек асраш, революцион принципларга астойдил содиқ бўлиб қолишни ўргатди. У марксизмни ревизия қилувчи, Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ва бирлигига путур етказувчи киши амалда буржуазияга ёрдам беради, ишчилар синфининг ишига, социализм ишига хиёнат қилади, деб қайта-қайта таъкидлади.

Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг партиямиз марксизм-лениниизмнинг поклигини, ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини ҳамиша сақлаб келди ва сақламоқда. Партия ўзини марксча-ленинча йўлдан тойдиришга уринган троцкийчиларга, ўнг оппортунистлар ва миллатчиларга қарши қатъий курашди. Лениниизмга душман бўлган оқимларнинг тамомила тор-мор қилинганлиги партия бош йўлини муваффақиятли суратда амалга ошириш нинг муҳим шартларидан бири бўлди.

Тарихий тажриба шу нарсани яққол исбот этадики, марксчи-ленинча партиянинг раҳбарлиги жамиятни революцион тарзда ўзгартиришнинг ҳал қилувчи омилидир. Жаҳон реакцияси коммунистик партияларга қутуриб ҳужум қилаётганлиги, кенг меҳнаткашлар оммасининг бу партияларга нисбатан бўлган ишончига путур етказиш, уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини заифлаштириш учун ҳар қандай воситалар билан уринаётганлиги ҳам тасодифий эмас. Бизнинг синфий душманларимиз бу билан ишчилар синфининг эксплуататорларга қарши олиб бораётган курашида уни қуролсизлантиришга, халқларни социализм йўлидан тойдиришга, жаҳондаги революцион процессга халақит беришга интилмоқдалар.

Ҳар қандай гусдаги ревизионистлар бу соҳада буржуа пропагандаси билан амалда иноқлашиб кетмоқда. Уларнинг баъзилари ўнг томондан, баъзи бировлари «сўл» томондан хуруж қилмоқдалар, лекин уларнинг моҳияти ўзгармай қолмоқда. Ўнглар ҳам, «сўл»лар ҳам партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни бузиб талқин қиладилар, партиянинг раҳбарлик ролини камситадилар. Буржуазия марксизм-ленинизмдан юз ўгирган ана шу кишиларни бажонидил ардоклаётгани, уларни ўз гумашталари, деб билаётганлиги бечиз эмас.

Бундай вазиятда марксчи-ленинчилар революцион хушёрликни ошириб, империализмнинг ҳар қандай кирдикорларига қарши курашни кучайтирмоқдалар, ревизионизм ва догматизмни фош қилмоқдалар, ўз сафларини жипслаштириб, мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Ўртоқлар! Совет халқининг жанговар авангарди Коммунистик партия ролининг тобора кучайиб бораётганлиги жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим хусусиятидир. XXIII съезд қарорларининг самарали таъсири билан партия янада кўпроқ жипслашиб, кучлироқ бўлиб қолди, унинг меҳнаткашлар билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди. Партия назарий фаолиятининг аҳамияти ошиб бормоқда, партиянинг оммаининг сиёсий йўлбошчиси, ташкилотчиси ва мураббийси сифатидаги роли кучайиб бормоқда.

Совет кишилари Коммунистик партияга, унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитетга астойдил ишонмоқдалар ва уларни қўллаб-қувватламоқдалар. Партия билан халқнинг бирлиги социалистик тузум қудратининг мустаҳкам негизи, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли суратда ҳал этиш гаровидир.

Партиянинг раҳбарлик ва етакчилик таъсири жамият моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта самаралар бермоқда. КПСС коммунистик жамият қуриш соҳасидаги ҳамма ишларни илмий жиҳатдан асослаб планли, ташкилий суратда уюштираётган кучдир. Партия сиёсатни ишлаб чиқиш, вазифаларни белгилаш билан бирга уларни амалий тарзда ҳал этиш усулларини ҳам кўрсатиб бермоқда. Назария билан практиканинг, сиёсий иш билан ташкилотчилик ишининг бирлиги, сўз билан ишнинг бирлиги — партия фаолиятининг энг муҳим принципидир.

Жамиятни революцион тарзда ўзгартирувчи партиянинг юксак обрўси, халқнинг партияга самимий иззат-ҳурмати ва ишончи совет кишиларида ўз ҳаётини партия билан боғлаган, онгли, ғоявий жиҳатдан мустаҳкам курашчилар сифатида камолотга эриштириш соҳасида доим иш олиб бормоқда.

Демократик централизм принципига, партия ҳаёти нормаларига қаттиқ риоя қилиш марксчи-ленинчи партиянинг ўзгармас қонуни, унинг мустаҳкамлиги ва куч-қудратининг негизидир. Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган ана шу принцип, ана шу нормалар замоннинг ҳар томонлама синовидан ўтди. Бу принцип ва нормалардан ҳар қандай тарзда чекиниш муқаррар суратда партиянинг ролини заифлаштиришга, унинг ўз жанговар революцион позицияларини қўлдан бой бериб қўйишига олиб боради.

XXIII съезддан кейин партиямизда партия ички демократиясини янада ривожлантириш, коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини кучайтириш процесси содир бўлмоқда. Коллектив раҳбарлик принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг кейинги йилларда бўлиб ўтган пленумларида мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг туб масалалари муҳокама қилинди, жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларига раҳбарликни такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилди. Маҳаллий партия комитетлари пленумлари, бюролари, партия йиғилишларининг роли ошди, партиявий ахборот яхшиланиб бормоқда. Ленинча партиявийлик руҳи, коммунистларнинг коллектив акл-идроки ва коллектив иродаси ҳозирги пайтда партиянинг бутун фаолиятига сингиб боряпти.

Партия ташкилотларининг кундалик ҳаёти амалий, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқиднинг тобора кўпроқ ривожланиб бораётганлиги билан характерланади. Танқид ва ўз-ўзини танқид деган эди Ленин, ҳар қандай жонли ва ҳаётий партиянга даркордир. Партия хато ва камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид қилмай туриб, йўлимизда гов бўлиб турган тўсиқларнинг қаммасини бартараф қилмай туриб, нормал яшай ва ишлай олмайди, олга томон ҳаракат қилиб боролмайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ — БАРЧА ҒАЛАБАЛАРИМИЗ МАНБАИ

(Боши биринчи бетда).

Коммунистик партия қарашларнинг бирлиги билангина эмас, балки ҳаракат бирлиги билан ҳам кучлидир. Ленин айтган эдики, кўпчиликнинг ҳоҳиш-иродаси белгиланиб, қарор қабул қилинганидан кейин партиянинг ҳамма аъзолари бир ёқадан бош чиқариб бир кишидек ҳаракат қиладилар. Партияда одамларни танқид қилувчилар ва ишловчилар деб иккига қисмга бўлиш мумкин эмас. Ҳамма нарса биргаликда муҳокама қилиниб, ҳал этилади ва ижро қилинади; ҳар бир киши умумий ишга ўз ҳиссасини қўшади. Партия ички демократияси партия интизоми билан чамбарчас боғланган ва демократик централизмнинг ана шу икки асосий қондасини бирга қўшиб олиб бориш — партиямизнинг куч манбаидир.

XXIII съезд, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларининг таъсири билан партия ташкилотлари фаолиятининг форма ва методлари такомиллаштирилмоқда. Партия комитетлари ленинча услубни чуқурроқ эгаллаб, сиёсий раҳбарлик органлари сифатида изчиллик билан иш кўрмоқдалар. Ҳар бир проблемага асосли ва реалистик ёндошиш, эришилган натижаларни ҳар томонлама таҳлил этиш ва уларга танқидий баҳо бериш тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Бу — ўз моҳияти эътибори билан зиддиятларга эътибор билан қарашни тақозо этган жонли, ижодий иш бўлмиш партиявий ишнинг руҳига муносибдир.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кобилияти анча ўсди. Ҳозирги вақтда КПССда 360 мингта бошланғич ташкилот бор. Уларнинг соне ортди, улар ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бошланғич ташкилотлар партиянинг ривожланиш процессини, унинг кўп қирр-ли фаолиятини, ғамхўрлиги ва ишларини ёрқин акс эттирувчи бўғинидир. Яқинда бўлиб ўтган партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида 3 миллиондан ортиқ киши сўзга чиқди. Бу йиғилишлар коммунистларнинг активлиги ва сиёсий етуклиги гоят ўсганлигини, улар ўз ташкилотларининг ва умуман партиянинг иши учун жавобгарликни яхши англаганликларини кўрсатди. Барча коммунистлар, барча партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси тезларагига жипслашганликларини намойиш қилдилар, партиянинг ленинча бош йўлини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат билан кураш олиб боришга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Ленин қиқиларни танлаш ва ижрони текшириш ташкилотчилик фаолиятидаги асосий нарса, деб таълим берган эди. Бу масалалар партия Марказий Комитети ва жойлардаги партия органларининг диққат марказида турибди. Улар партия ва давлатнинг раҳбар кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш иши билан кун сайин шуғулланмоқдалар.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларининг мураккаблиги тез ўсиб бораётган ҳозирги кунда кадрларни тайёрлаш ва қайтадан тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимизда кадрларнинг малакасини ва ғоявий-назарий савиясини ошириш соҳасидаги иш кенг ривожлантирилди. Бу иш илгари ҳеч қачон ҳозиргидек кенг қўламларда олиб борилмаган эди.

Ҳозирги вақтда партия яхши тайёрланган, коммунизм ишига содиқ, тажрибали ва обрўли раҳбар ходимларга эгадир. Бу эса партиянинг мураккаб ички ва ташқи сиёсий вазифаларни муваффақиятли суратда ҳал этишига ёрдам беради.

Ўртоқлар! Идеаллари ва сиёсати бутун халқнинг иши бўлиб қолаётган партия енгилмасдир. Мамлакатимизда коммунизм қурилиши миллионларча ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг ўз иши бўлиб келди. Социализм қурилиши жараёнида, партиянинг кенг қўламдаги тарбия ишлари натижасида янги киши — онгли меҳнатчи, коммучизм идеаллари учун эътиқодли курашчи камол топди. Коммунистик ғоявийлик совет кишиларининг турли авлодларини — Октябрь революцияси ва граждан уруши қаҳрамонларини ,биринчи беш йилликлар винокорлари ва Улуғ Ватан уруши жангчиларини, урушдан кейинги авлодни ва олтмишинчи йиллар ёшларини бир-бири билан боғлайди.

Коммунистик қурилиш манфаатлари, халқаро вазият партия ташкилотларидан бутун ғоявий-тарбиявий ишни тобора такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Келгусида планларимизнинг амалга оширилиши, Ленин ишининг муносиб давом эттирилиши ҳозирги кунда ана шу вазифанинг қай тарзда ҳал этилаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўз ота-боболари ва оғаларининг революцион, жанговар ва меҳнат традицияларини давом эттириш ҳамда кўпайтириши лозим бўлган ёш авлодни тарбиялашга партия жуда катта эътибор бермоқда. Шонли ёшларимиз билан, уларнинг меҳнатсеварлиги, мардлиги, Коммунистик партияга, социалистик Ватанга садоқати билан фахрланиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Мамлакатимиз, бутун совет халқи ўтган йили партиямизнинг содиқ резерви ва жанговар ёрдамчиси бўлган Ленин комсомолининг 50 йиллигини нишонлади. 24 миллиондан ортиқ кишини ўз сафларида бирлаштирган комсомол йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ажойиб мактаби бўлиб келди ва шундай мактаб бўлиб қолаверади.

КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил апрель Пленуми жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи капитализм билан социализм ўртасидаги идеологик курашнинг гоят кескинлашганлиги билан характерланади, деб таъкидлади. Бундай шароитда тарбиявий ишларни яхшилаш, душман идеологиясига қарши муросасиз кураш олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Партиянинг бутун куч-ғайрати барча совет кишиларини коммунистик эътиқод, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида, ижтимоий, меҳнат ва социалистик мулкка онгли муносабатда бўлиш, ҳаётимиз нормаларига қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Партия, халқ ижодий зиёлилар, педагоглар, пропагандистларнинг, хуллас янги кишини — коммунистик жамият қурувчисини тарбиялашда актив қатнашаётган ҳамма кишиларнинг меҳнатини гоят қадрламоқда.

Партия замонавий фан ва техникани чуқур эгаллаш, совет халқи босиб ўтган қаҳрамонона йўлни ва социалистик қурилиш тажрибасини ўрганиш, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш — маориф ва тарбия соҳасидаги ҳамма ишга асос қилиб олиниши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Социализм улуғ ғалабаларининг эллик йиллиги» тўғрисидаги докладида бундай деган эди: «Партиямизнинг воқеалар билан тўлиқ ва бой катта тарихи бор. Модомики, биз жуда катта ва қийин йўлни муваффақият билан босиб ўтиб, ҳамма синовларга муносиб бардош берган эканмиз, бунинг сабаби аввало шуки, биз ҳамиша ўзимизнинг энг ишончли, қуролимиз — марксизм-ленинизм таълимотидан фойдаланиб келдик, шу таълимотга оғишмай амал қилдик, бу таълимотни ижодий ривожлантира бердик... Ленинизм бизнинг партиямиз учун чинакам ғалаба фани бўлиб қолди. Ленинизм бундан буён ҳам биз учун ҳамиша шундай ғалаба фани бўлиб қолади».

Коммунистик партия ишчилар синфининг, совет халқининг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирмоқда. Коммунистик партия деган эди Ленин, давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир. Партияни бундан буён янада мустаҳкамлаш, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига партия таъсирини кучайтириш — коммунизм учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг энг тўғри, энг ишончли гаровидир.

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати зарар кўрган районларга ўз вақтида зарур ёрдам бердилар. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари ана шу ёрдамга таяниб, қаҳратон қиш оқибатларини сабот билан бартараф қилмоқдалар, ҳар бир хўжаликда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажармоқ учун резервларни ишга солмоқдалар. Ҳозир қишлоқ меҳнатчиларининг асосий эътибори бу йил ҳам мамлакатни галла ва бошқа маҳсулотлар билан етарли равишда таъминламоқ учун кўкламги экишни муваффақиятли ўтказишга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил октябрь Пленуми коммунистик қурилишнинг туб манфаатларига асосланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни тағин ҳам жадалроқ суръатлар билан ривожлантириш вазифасини ўртага қўйди. Пленум партиянинг, барча меҳнаткашларнинг бутун диққат-эътиборини комплекс механизациялаш, химиялаш, ерларни мелиорациялаш сингари энг муҳим проблемаларни ҳал қилишга қаратди. Бу — қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг асосий шартидир.

Қишлоқ хўжалик артелининг янги Устави лойиҳаси умумхалқнинг муҳокамаси учун тез кунлар ичида эълон қилинади. Янги Устав социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқдаги ижтимоий муносабатларни ва колхоз демократиясини такомиллаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга. Колхозчилар съездида бу Уставнинг қабул қилиниши совет қишлоғи, бутун жамиятимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлади.

Партия саноат, қишлоқ хўжалигини ва экономиканинг бошқа тармоқларини ривожлантиришдаги муваффақиятларга муносиб баҳо бериш билан биргэ ҳала ҳал этилмаган вазифаларни ҳам кўриб турибди, мавжуд нуқсонларни тугатиш чораларини белгиламоқда. У партия ва совет ташкилотларининг, касаба союзларининг, хўжалик раҳбарларининг, барча меҳнаткашларнинг эътиборини резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга, давлат планларини сўзсиз бажаришга қаратмоқда.

Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг коллективлари беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган бу йилда зарбдор меҳнат қилиш, меҳнат унумдорлигини юксак даражага кўтариш учун ўзларининг бутун кучларини сафарбар этмоқдалар. Москваликлар ва ленинградликларнинг, мамлакатдаги бошқа областлар, ўлкалар ва республикалар меҳнаткашларининг ташаббуси билан беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, лойиҳада кўрсатилган қувватларни тезроқ ўзлаштириш учун бошланган мусобақа кенг қулоч ёзди. КПСС Марказий Комитети ана шу ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватлади ва мақтади.

Миллион-миллион совет кишилари юбилей коммунистик шанбалигига қалб амри билан чиқдилар. Бу халқ ташаббускорлиги ва ижодкорлигининг янги ва ёрқин ифодаси бўлди. Шу тарзда улар ўзларининг Ленинга бўлган муҳаббат ва чуқур ҳурматини яна бир карра ифодаладилар. Биринчи Коммунистик шанбаликларни Ленин буюк почин деб, меҳнатга янгича, онгли муносабатда бўлишнинг бошланғичи, коммунизмнинг ҳаётбахш куртаклари, деб билган эди.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг шанбаликда бепул меҳнат қилинганлиги натижасида тушган маблағларни Москвада рак касалликларини даволовчи йирик онкология илмий маркази қуришга ва Сибир ҳамда Узоқ Шарқда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг илмий-тадқиқот комплексини вужудга келтиришга сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилганликларини совет халқи зўр мамнуният ва маъқуллаш билан кутиб олди.

Ленин коммунистик қурилишда фан ва техниканинг тутган буюк аҳамиятини очиб берди. Партия фан жамиятимиз ҳаёти ва турмушига кун сайин сингиб бориши учун, унинг олга томон ҳаракат қилишнинг негизи, қудратли ишлаб чиқарувчи куч бўлмоғи учун қунт билан кураш олиб бормоқда.

Ҳозир бизнинг мамлакатимизда 820 минг илмий ходим ишламоқда. Улар дунёдаги ҳамма илмий ходимларнинг тўртдан бир қисмига теңг келади. Совет Иттифоқи фан ва техниканинг кўп соҳаларида олдинги позицияларга чиқиб олди. Космосни ўзлаштиришдаги муваффақиятлар — биринчи йўлдоши учириш, биринчи одамни космосга чиқаришдан тортиб, дунёда биринчи бўлиб ичига одам тушган орбитал станция вужудга келтиришгача бўлган муваффақиятлар бунинг яққол далилидир. СССР Фанлар академияси, Украина ССР Фанлар академияси, бир қанча илмий муассасаларнинг Совет Иттифоқи орденлари билан мукофотланганлиги совет олимларининг хизматлари умумхалқ томонидан эътироф қилинганлигининг ифодаси бўлди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг янги отряднни — совет фанининг атоқли арбобларини совет кишилари қизғин табриклайдилар. Партия, халқ шунга аминдирларки, олимларимиз, халқ зиёлиларимиз фан, техникада янги кашфиётлар қилиб Ватанни қувонтирадилар, ўз меҳнатлари билан социализмнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтирадилар.

Ўртоқлар! Халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни Коммунистик партия ўз фаолиятининг олий маъноси деб билади. Ленин шуни таъкидлаган эдики, социализмга ўтилганидан кейингина ижтимоий ишлаб чиқаришни ва маҳсулотлар тақсимотини меҳнаткашлар манфаатларига чинакамига бўйсундириш имконияти вужудга келади.

Партия билан ҳукумат экономикани ривожлантиришдаги муваффақиятларга таяниб, халқнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ ва ҳар томонлама қондирмоқ учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Совет кишиларининг турмуш даражаси муттасил ошиб бормоқда. Шу беш йилликда меҳнаткашларнинг реал даромадлари XXIII съезд Директиваларида кўзда тутилган топшириқлардан зиёдроқ ошади.

1968 йил мобайнида мамлакатимиздаги ишчи ва хизматчиларимизнинг ўртача иш ҳақи 7,5 процент ортди. Колхозчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ кўпайди. Мамлакат аҳолиси иқтисоий истеъмол фондларидан тобора кўп тўлов ва имтиёзлар олмоқда. Ўтган йили 55 миллиард сўмлик ана шундай тўлов ва имтиёзлар берилди. Маданий қурилиш, халқ маорифини, соғлиқни сақлашни, социал таъминотни яхшилашнинг катта программаси амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши аввалгидек катта миқёсларда олиб борилмоқда. Шуни айтиш кифоя қиладики, беш йиллик бошланғандан бери 33 миллион киши, яъни мамлакат аҳолисининг еттидан бир қисми янги уйларга кўчиб чиқди ёки ўзларининг уй-жой шароитини яхшилаб олди. Миллион-миллион совет кишиларининг дам олиши ва турмушини яхшилаш учун тағин ҳам қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Кейинги йилларда халқ фаровонлигини оширишга шу қадар кўп маблағ сарфландики, давлатимиз илгари ҳеч қачон бу ишга шунча маблағ сарфламаган эди.

Ўртоқлар! Социалистик тузум совет халқига кенг социал сиёсий ҳуқуқлар, чинакам демократия берди. Владимир Ильич социализм «Демократиянинг янги, жаҳоншумул-тарихий типининг пайдо бўлишини...» белгилади, деб ёзган эди. (В. И. Ленин, асарлар, 33 том, 36-37 бет).

Ленин буржуа демократиясининг ниқобини йиртиб ташлади, унинг сохта характерини, унинг синфий эксплуататорлик моҳиятини фош қилди. У «Соф» демократия ва «мутлоқ» эркинлик хусусидаги майда буржуача хом хаёллар яшовчан эканлигини таъкидлаб, демократиянинг янги, социалистик типи афзалликлари нақадар тўлиқ очиб берилса, майда буржуача хом хаёллар шу қадар тез бартараф этилади, деб таълим берди. Ер юзидаги юз миллионлаб кишилар меҳнаткашларнинг капитал ҳукмронлигига қарши бўлган демократиясини қатъиян талаб қилиб чиқмоқдалар.

Ишлаб чиқариш воситалари халқ тасарруфига ўтган жойлардагина реал демократия бўлиши мумкин. «Мулк капиталистлар қўлида бўлар экан, — деган эди Ленин, ҳар қандай демократия буржуа диктатурасини мунофиқлик билан пардалаш бўлади». (В. И. Ленин, асарлар, 28 том, 457 бет).

Ижтимоий социалистик мулкина чинакам демократиянинг пойдеворини вужудга келтиради. Синфий антогонизмлар ва эксплуатация шунинг негизидагина йўқотилиши мумкин, шундай қилинмас экан, халқ ҳокимияти тўғрисидаги ҳар қандай гаплар бекорчи сафсата бўлиб қолаверади. Социализм демократия ва эркинлик ғояларини шунчаки эълон қилибгина қолмайди. У бу ғояларни амалга оширади. Социалистик тузум меҳнаткашларнинг батамом ҳукмронлигини шунчаки эълон қилибгина қолмайди, балки уни ҳақиқатда амалга оширади. Социалистик тузум миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини шунчаки ваъда қилиб қолмайди, балки уларнинг ҳақиқий тенглиги учун, халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги учун амалда шарт-шароит вужудга келтиради. У эксплуатацияни, ишсизликни, қашшоқликни шунчаки қоралабгина қолмайди, балки социал иллатнинг ана шу ҳамма турларини тугатади.

Муросасиз синфий зиддиятлар гирдобида кемирилаётган капиталистик тузум, бировлар битмас-туганмас бойликларни қўлга киритиб олган, бошқа бировлар эса, ўзининг ишчи кучини сотишга мажбур бўлган тузум, инсон инсонни эксплуатация қиладиган, миллион-миллион кишилар иш топа олмай юрган, ишлаб чиқаришни бошқариш сингари ижтимоий турмушнинг муҳим соҳасига меҳнаткашлар йўлатилмайдиган капиталистик тузум социалистик демократизмнинг юқорида айтиб ўтилган улуғвор ғалабаларига нимани қарама-қарши қилиб қўя олади? Давлат ишларини ҳақиқатан ҳам халқ идора қилаётган жойда реал демократия бўлиши мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ижтимоий тузумнинг ҳамма соҳаларида туб масалаларнинг ҳаммаси демократик йўли билан ҳал этилади, социал табақаларнинг ҳаммаси мамлакатни идора қилишда қатнашади. Меҳнаткашлар партия раҳбарлигида ишлаётган советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа оммавий ташкилотлар орқали ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришнинг энг муҳим масалаларини ҳал қиладилар.

Советларнинг икки миллиондан ортиқ депутати ва 25 миллиондан кўпроқ активлари, халқ контроли органларида ишловчи салкам 7 миллион киши, доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг беш миллиондан зиёд қатнашчилари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, кооператив ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг 10 миллионлаб аъзолари — совет социалистик демократиясининг ҳақиқатда ҳаракат қилиб турган тирик механизмидир. Бизнинг халқимиз Ленининг: «Давлат — бизнинг ўзимиз» деган сўзларини ифтихор билан такрорлайди. Маҳаллий Советларга яқинда бўлиб ўтган сайлов социалистик демократизмнинг, партия билан халқ бирлигининг янги ёрқин намойиши бўлди. Сайловчилардан қарийб 150 миллион киши коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодларига якдиллик билан овоз бердилар. Меҳнаткашлар халқ ҳокимияти органларига ўзларининг энг яхши вакилларини сайладилар. Уларнинг учдан икки қисми ишчилар ва колхозчилар, завод ва фабрикаларнинг, колхоз ва совхозларнинг илғор кишиларидир. Депутатлар орасида халқ хўжалиги мутахассислари, фан ва маданият ходимлари, турли миллатлар ва авлодларга мансуб кишилар, коммунистлар ва партиясизлар бор.

Совет Социалистик демократияси — меҳнаткашларнинг активлиги ва ташаббускорлигидан, уларнинг юксак уюшқоқлиги ва интизомидан иборат. Казарма — бюрократик тартиблар ҳам, анархистик бошбошдоқлик ҳам, жамоат нормалари ва манфаатларини писанд қилмаслик совет турмуш тарзига ёт бир нарсадир. Жамият аъзоларининг юксак онглилиги ва масъулиятини социалистик демократия табиатининг ўзи тақозо этади.

Социалистик давлатни мустаҳкамлаш, социалистик демократияни янада ривожлантириш меҳнаткашлар оммасининг энг зарур манфаатларига мос бўлиб тушади, мамлакатимизнинг коммунизм йўлидан муваффақиятли равишда олга боришининг энг муҳим шарти бўлади!

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ АМАЛГА ОШМОҚДА

Ўртоқлар!

Владимир Ильич Ленининг бутун ҳаёти, доҳиёна заковатининг бутун кучи, қудратли иродаси ва революцион эҳтироси ишчилар синфининг асосий ишига — янги жамият учун, социализм ва коммунизм учун курашга бағишланган эди.

СССРда социализм ғалаба қилганлиги, коммунистик қурилишда эришилган муваффақиятлар Ленин ғоялари ва режаларининг яққол мужассамидир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партия раҳбарлигида тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида турмушнинг ҳамма соҳаларида улуғвор ўзгаришларни амалга оширдилар. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий бирлиги, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, халқлар дўстлиги социализмнинг энг муҳим ғалабасидир.

Ленин таълим бериб айтган эдики, ишчилар билан деҳқонлар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин экономика янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун курашнинг асосий майдони бўлиб қолади. Коммунизмга ўтмоқ учун «ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда олга томон жуда катта қадам қўймоқ лозим», деб таъкидлаган эди у. (В. И. Ленин. Асарлар 29 том 436 бет). Совет халқи ана шу васиятга амал қилиб, ўзининг куч-ғайратларини коммунизм моддий-техника базасини барпо этишга сарфламоқда.

Ҳозир бизнинг экономикамиз ўз тараққиётининг муҳим босқичида турибди. Жадал фан-техника тараққиёти социалистик ишлаб чиқаришга янги-янги катта имкониятлар очиб бермоқда. Бизнинг олга томон ҳаракатимиз, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатининг социализм фойдасига янада ўзгариши ана шу имкониятлардан қандай фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Партия социалистик хўжаликни юритишнинг ленинча принципларини ижодий ривожлантириб, ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш юзасидан катта тадбирлар ўтказмоқда, экономика раҳбарлик қилишнинг янги усулини амалга оширмоқда. Партиямизнинг ҳозирги замон босқичидаги XXIII съезда ва КПСС Марказий Комитетининг пленумлари қарорларида ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсати амалда ўзини батамом оқламоқда, ўзининг ҳаётийлиги ва кучини исботламоқда.

Хўжалик ислоҳотининг изчиллик билан амалга оширилиши социализмнинг битмас-туганмас имкониятлари ва афзалликларидан халқ манфаатлари йўлида тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Шу асосда меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кўтариш таъмин этилади, халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари тезлаштирилади.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатнинг истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромади йилига ўрта ҳисобда 7,2 процент ошиб борди, ҳолбуки, шундан олдинги беш йилда миллий даромад йилига 5,7 процент ўсган эди. Ана шу йиллар мобайнида миллий даромад ўсишининг ўзи 1950 йилги миллий даромаднинг бутун ҳажмига теңг эканлиги факти эришган муваффақиятларимизнинг миқёсини кўрсатиб турибди.

Социалистик экономиканинг етакчи тармоғи, мамлакат қудрати ва мудофаа қобилиятининг негизи бўлган саноат янги, сифат жиҳатидан тағин ҳам юксак даражада муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Уч йил мобайнида саноат маҳсулотининг ҳажми 29 процентдан зиёд кўпайди.

Мамлакатнинг индустриаль потенциали тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Ўтган йили биз 107 миллион тонна пўлат, 309 миллион тонна нефть, 638 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқардик. Бунинг маъноси шуки, эндиликда биз урушдан олдинги, 1940 йилга нисбатан, 6 баравар кўп пўлат, 10 баравар кўп нефть, 13 баравар кўп электр энергияси ишлаб чиқардик.

Саноат ишлаб чиқаришининг структураси янада такомиллаштирилмоқда, халқ хўжалигидаги техника тараққиётини таъминловчи тармоқлар-машинасозлик, энергетика, металлургия, химия саноати илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Капитал қурилиш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Беш йиллик бошланганидан бери 1100 йирик саноат корхонаси қуриб битказилди. Ўрта ҳисобда деярли ҳар куни мамлакатимизда янги саноат корхонаси ишга туширилмоқда. Қурилишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни планлаштириш ва лойиҳа-смета ишини яхшилаш чоралари амалга оширилмоқда. Винокорлар меҳнатига тўланадиган ҳақ оширилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси капитал маблағлардан тағин ҳам самарали фойдаланиш, қурилиш ишлари муддатини қисқартириш ва сифатини ошириш учун шарт-шароит яратиб беради.

Партия билан ҳукумат халқ хўжалигининг ҳаётий муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга жуда катта эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида ишлаб чиқилган йўлни бутун халқ маъқуллади ва у яхши натижалар бермоқда.

Ўтган уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари шундан олдинги беш йилдагига нисбатан қарийб икки баравар ошди. Дон экинлари ҳосилдорлиги мамлакат бўйича ўрта ҳисобда шу вақт ичида деярли 30 процент кўпайди. Ўтган йили ялпи ғалла ҳосили 169 миллион тоннадан ортиқ ёки 10,3 миллиард пуд бўлди. Чорвачилик маҳсулотлари, қанд лавлаги, пахта, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳам ортди. Шу туфайли, шунингдек меҳнаткашларнинг даромадлари доимо ўсиб бораётганлиги натижасида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш анча кўпайди.

Бу йил қишлоқ хўжалик ходимлари олдида катта вазифалар турибди. маълумки, ўтган қишнинг об-ҳаво шароитлари ноқулай келганлиги оқибатида мамлакатнинг бир қанча районларидаги кузги экинларнинг бир қисми нобуд бўлди, чорвачиликка зарар етди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — КПСС ЛЕНИНЧА ЙЎЛИНИНГ ЎЗГАРМАС НЕГИЗИ

Ўртоқлар!

Мамлакатимизнинг коммунизм қурилишида эришган ҳар бир янги марраси айни вақтда халқаро ишчилар синфининг, барча прогрессив кучларнинг жаҳонни революцион янгилаш учун олиб бораётган курашидаги янги босқич ҳамдир. Бизнинг партиямиз Ленининг «Барча мамлакатларда революцияни ривожлантириш, қўллаш, қўзғатиш учун бир мамлакатда амалга ошириш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини» амалга ошириш тўғрисидаги васиятига содиқ бўлиб келди ва содиқ бўлиб қолаверади. (Асарлар, 28 том, 315 бет).

Жаҳон революцион ҳаракатининг ҳамма отрядлари билан бирдам бўлиб ҳаракат қилишдан иборат большевистик, ленинча анъана совет кишиларининг бутун онгига ва қонига сингиб кетган. «Биз интернационалистлармиз, халқаро кишиларимиз», — деган эди Владимир Ильич.

Янги тарихий даврда Ленин пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарди. Ишчиларга оппортунистлар тиқиштирган социал шовинизмга, миллий тақдидлиққа қарши Ленин кескин кураш олиб борди. Ленин пролетар интернационализми ғояларини амалда рўёбга чиқариш намунасини кўрсатди. Тузилганига яқинда 50 йил тўлган кўпни жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати ишончлаган Коммунистик Интернационални Ленин бунёд этиб, унга раҳбарлик қилган эди.

Ленинизм жаҳон революцион ҳаракати бирлигининг ҳозирги проблемаларини ҳал қилиш йўлларини кўрсатади. Бундай бирликнинг зарурати ҳозирги кунларда ҳар қачонгидан ҳам ошиб кетди. Гарчи халқаро империализм каттакатта тарихий маглубиятларга учраган бўлса ҳам, у хали кучли ва хатарли душман бўлиб қолмоқда. У капиталистик эксплуатацияни тағин ҳам авжига чиқармоқда, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларга қарши қонли урушлар олиб бормоқда, у баҳайбат ҳарбий машинани вужудга келтирди ва инсоният бошига оғир қулфатлар солишдан қайтмайди. Жаҳон реакцияси социализм мамлакатлари бирлигини, коммунистларнинг жипслигини қўпоришга, халқаро революцион ҳаракатни пароканда қилиб юборишга уринмоқда.

Ана шу режаларни пучга чиқариш, реакциянинг кирдикорларига революцион кучларнинг жипслашган фронтини қарама-қарши қилиб қўйиш — империализмга ҳужум қилмоқ учун янги истиқболлар очиш демакдир, халқларни социал ва миллий озодликка чиқариш ишини анча олга силжитиш демакдир.

Қардош социализм мамлакатларининг, жаҳондаги барча прогрессив кучларнинг қатъий ҳаракатлари империализмга қарама-қарши қилиб қўйилганида, у ўз режаларини амалга оширишга муваффақ бўлаолмайди. Вьетнам бунинг яққол мисолидир. Вьетнам халқининг қаҳрамонона жасорати, унинг империализмга қарши курашдаги мардлиги ва матонати тарихга абадий ёзилиб қолади. Социализм мамлакатларининг катта иқтисодий ва ҳарбий ёрдами, жаҳон прогрессив жамоатчилигининг бирдамлиги Вьетнам халқи эришган ғалабаларнинг муҳим омили бўлди.

Узларининг интернационал бурчига содиқ бўлган совет кишилари Вьетнам халқига қардошлик ёрдами бериб келдилар ва бераверадилар. Агрессорлар Вьетнам ватанпарварларининг бардам руҳини синдира олмайдилар! Вьетнам халқининг ҳаққоний иши ғалаба қилади!

Совет кишилари араб давлатларини ҳимоя қилмоқдалар ва уларнинг Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватламоқдалар. Исроил агрессиясини муайян империалистик доиралар гиж-гижламоқда.

Жаҳон реакцияси халқларнинг озодлик ва мустақиллик сари жўшқин ҳаракатини тўхтата олмайди, чунки халқлар бу курашда антиимпериалистик фронтнинг ҳамма отрядлари бирдамлиғига ва мададкорлигига таянадилар.

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг ҳужжатларида таъкидлаб ўтилганидек, давримизнинг тарихий вазифаси ҳозирги замоннинг учта асосий революцион кучи: жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар синфи, миллий озодлик ҳаракати куч-қувватини империализмга қарши муштарак курашга жипслаштиришдан иборат. Ана шу кучларни бирлаштириш империализм устидан ғалаба қозонишнинг энг асосий йўлидир.

Халқаро революцион ҳаракат таянчи бўлган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудрати ва бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бу вазифани ҳал қилишдаги асосий парсадир. Ижтимоий-иқтисодий тузумнинг муштараклиги, ягона марксизм-ленинизм идеологияси, қардош халқлар туб манфаатларининг бир-бирига муносиблиги уларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлиги учун пухта негиз яратиб беради.

Ўз-ўзидан равшанки, жаҳон социализм системасининг ривожи мураккаб тарихий жараён бўлиб, бу йўлда қийинчиликлар ва зиддиятлар чиқиб туриши мумкин. Социализмнинг ички ва ташқи душманлари социалистик тузумга путур етказиш, майда буржуа кайфиятларини ва миллатчилик эҳтиросларини авж олдириш йўлидаги уринишларини тўхтатмаётганлиги ҳам бунга таъсир қилмоқда.

Чехословакия меҳнаткашлари реакциянинг ана шундай кирдикорларига жуда ўткир шаклда дуч келдилар. Бу мамлакатдаги воқеалар шуни кўрсатдики, ўнг, антисоциалистик кучлар халқаро империализмнинг кўмаги билан социализм негизларини қўпориш, Чехословакия билан унинг чин дўстлари — Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар орасига нифоқ солиш мақсадида курашнинг энг макрли шаклларини ишга солмоқдалар. Социализм иши енгилмаслигини тарих, ҳаёт исботлаб берди.

Ҳозир Чехословакия Коммунистик партияси, меҳнаткашлари социалистик тузумни мустаҳкамлашга, мамлакатни иқтисодий юксалтириш, социалистик демократияни ривожлантириш масалаларини амалий жиҳатдан ҳал этишга ўзларининг бутун куч-ғайратларини қаратмоқдалар. Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг 1968 йил ноябрь пленуми қарорлари ана шу вазифаларни белгилаб берди.

ЧКП Марказий Комитетининг сўнгги, апрель Пленуми ана шу вазифаларни амалга ошириш учун кураш байроғи остида ўтди. Бу пленум Чехословакия Коммунистик партиясини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосида мустаҳкамлаш ва жипслаштириш ишида муҳим роль ўйнайди, деб ишонамиз.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари шунга ишонадиларки, чехословак халқи келиб чиққан қийинчиликларни ўзининг авангарди — Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети раҳбарлигида бартараф қила оладилар, социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар. Ўз навбатида бизнинг партиямиз, совет кишилари КПСС билан ЧКП ўртасидаги, Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасидаги анъанавий қардошларча дўстлик ва ҳамкорликнинг бундан буён ҳам ривож топиб мустаҳкамланиши учун ҳамма ишларни қиладилар.

Фашизмга қарши олиб борилган жангларда биргаликда тўкилган кон билан мустаҳкамланган, янги жамият барпо қилиш йўлида биргаликда қил

ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ — БАРЧА ҒАЛАБАЛАРИМИЗ МАНБАИ

(Охири. Боши 1, 2-бетларда).

КПСС ва Совет ҳукумати бу фактлардан тегишли ҳулосаларни чиқариб, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқдалар. Бу — совет халқининг манфаатларига, умумий тинчликни таъминлаш манфаатларига муносибдир. Бутун халқимиз Совет Армияси ва Флотининг шонли жангчиларини астойдил севиб, иззат-ҳурмат қилмоқда. Совет Армияси ва Флотининг жангчилари Ватанимизнинг чегараларини мустаҳкам қўриқлаб турибдилар. Ҳарбий авантюраларнинг ишкибозлари шуни билиб қўйсинки, Совет мамлакати ташқаридан бўладиган ҳар қандай ҳамладан пухта ҳимоя қилинган. «Бундай ҳамла қайси томондан, шимол ёки жанубдан, ғарб ёки шарқдан бошланмасин, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, агрессор шонли Қуролли Кучларимизнинг қақшатқич қудратига дуч келади».

Варшава Шартномаси Европада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашда жуда катта роль ўйнайди. Варшава Шартномаси Сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда Будапештда бўлиб ўтган кенгаши ана шу иттифоқ доирасида социалистик давлатларнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Будапешт кенгашининг қатнашчилари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан умумевропа кенгашига тайёргарлик кўриш ва бу кенгашни ўтказиш тўғрисида Европадаги барча мамлакатларга мурожаат қабул қилдилар. Совет кишилари бу мурожаатни қўллаб-қувватладилар, тинчликсевар халқлар ва прогрессив жамоатчилик мурожаатни яхши англаб, бу тўғрида кўп фикрларни изҳор қилди.

Маълумки, эртага Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқларининг иштироки билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг сессияси очилади. Бу воқеа катта халқаро аҳамиятга эгадир. Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ва фан-техника ҳамкорлигини янада ривожлантириш уларнинг туб манфаатларига муносиб бўлиб, жаҳон миқёсида социализм позицияларини мустаҳкамлайди.

Социалистик ҳамдўстлик тинчлик учун, империализмга қарши, халқларнинг миллий социал озодлиги учун курашда етакчи куч бўлиб келди ва шундай куч бўлиб қолаверади.

Халқаро ишчилар синфи империализмга қарши курашини кучайтирмоқда. Шу нарсани айтиб ўтиш кифоя қиладики, урушдан аввалги йигирма беш йил (1919—1939 йиллар) мобайнида 74,5 миллион киши иш ташлаган бўлса, урушдан кейинги йигирма беш йил (1946—1966 йиллар) мобайнида 263 миллион киши забастовкада қатнашди.

Ўтган 1968 йилда синфий кураш ғоят кучайиб кетди. Пролетариатнинг стачкалари оммавий тус олди, кўп ҳолларда умуммиллий характерга эга бўлди. Меҳнаткашлар иқтисодий талабларни ёқлаб чиққанларида кўпинча капиталистик тузумнинг негизларига кескин ҳужум ўтдилар. Франция ва Италия меҳнаткашларининг қудратли чиқишлари, Испанияда Франко диктатурасига қарши оммавий ҳаракатнинг кучайганлиги, Қўшма Штатларда ирқчиликка ва урушга қарши курашнинг авж олганлиги, капитализм дунёсидаги кўп мамлакатларда ёшлар ва студентлар социал норозилигининг ғоят кескин тус олганлиги буни исботлайди. Синфий жангларнинг кескинлиги буржуа ва ревизионист идеологларнинг капиталистик мамлакатлар пролетариати ўзининг революционлигини йўқотиб қўйди, деган уйдирмаларини бутунлай рад этади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг озодлик кураши кенгайиб, мустаҳкамланмоқда. Улар чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, қарамлик ва эксплуатациянинг ҳар қандай шаклларини тугатиш йўли билангина чинакам миллий озодликка эришиш мумкин эканлигини тобора кўпроқ англамоқдалар. Улар янги мустамлакачиликка қарши курашда социализм мамлакатлари билан, халқаро ишчилар синфи билан мустаҳкам иттифоқни ўзлари учун таянч деб билмоқдалар.

Ўртоқлар! Коммунистик ва ишчи партиялар империализмга қарши курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Коммунистик партияларнинг кучи, ўз таъсирини кучайтириб бориш манбаи — ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларига фидокорона хизмат қилишдадир. Коммунистлар халқнинг энг яхши фарзандлари бўлиб оммага етакчилик қилишга ва оммани ўзининг асрлар бўйи орзу қилаётган тилак ва умидларини рўёбга чиқариш учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашга бошлаб боришга ҳозирдирлар.

Коммунистлар пролетар интернационализми байроғини, революцион ҳаракат барча отрядларининг бирлиги учун кураш байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Интернационализм — ҳар бир партия, ҳар бир арбоб марксча-ленинча етуклигининг энг муҳим мезонидир. Интернационализмдан юз ўгириш ишчилар синфининг ишини, социализм ишини барбод этишга олиб боради.

Мао Цзэ-дун гуруҳининг буюк давлатчилик, шовинистик сиёсати мисолида бу нарса яққол кўриниб турибди. Бу сиёсат социалистик ҳамдўстлик манфаатларига ва бутун дунёда революцион ҳаракатга жуда катта зарар етказмоқда. СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга, марксчи-ленинчи партияларга нисбатан адоват ва душманликнинг доим авж олдирилаётганлиги Хитой раҳбарлари пролетар интернационализми принципларидан алоқаларини узганликларини исбот қилади.

Маълумки, Хитой маъмурлари кейинги вақтларда Совет—Хитой чегарасида қуролли низоларликлар уюштиришгача бориб етдилар. Бу эса бутун совет халқини, қардош социалистик мамлакатлар халқларини ва жаҳон прогрессив жамоатчилигини қаттиқ ғазаблантирди. Бизнинг шонли чегарачиларимиз муқаддас совет ерига қасд қилган низоларга муносиб зарба бердилар.

Бироқ, совет халқи Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш, Хитой халқи билан дўстлик алоқалари ўрнатишни ёқлаб келди ва ёқламоқда. СССР ҳукумати Совет-Хитой чегарасида вужудга келган вазиятни нормаллаштириш учун зудлик билан амалий чоралар кўриш зарур деб чиқди. СССР ҳукумати ХХР ҳукуматини ёмон оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийишга, келишмовчиликлар рўй берадиган бўлса, уларни осойишталик ва мулоқаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишга даъват этди. Биз Хитой ҳукуматидан ана шу таклифларга жавоб кутамиз.

Биз Пекин раҳбарларининг ҳозирги хатарли йўлини фош қилиб, қатъий қоралар эканмиз, бунда совет ва хитой халқларининг туб манфаатлари пировардида совет—хитой муносабатларидаги қийинчиликларни йўқотиш ва бартараф қилиш имконини беради, деган фикрга асосланамиз.

Пролетар интернационализми принципларини изчиллик билан амалга ошириш империализмга қарши курашда коммунистик ва ишчи партияларни жипслаштиришнинг, жаҳон коммунистик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлашнинг зарур шартидир. Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети айрим масалаларда ихтилофлар келиб чиққан тақдирда ҳам коммунистик ва ишчи партиялар антимпериалистик курашнинг туб масалаларидан юзасидан биргаликда ҳаракат қила оладилар ва ҳаракат қилишга эришмоқлари керак деб ҳисоблайди. Қардош партиялар масалага бундай ёндошиш зарурлигини тобора кўп тан олмоқдалар.

Ҳозирги вақтда коммунистик ҳаракат ўзининг халқаро кенгашига тайёргарлик кўрмоқда. КПСС Марказий Комитети кенгашга тайёргарликнинг боришига ижобий баҳо беради. Бу иш қардош партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни кучайтиришга, уларнинг қараашлари ва позицияларини яқинлаштиришга ёрдам беради.

Бизнинг партиямиз яқинда ўтказиладиган кенгаш халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини, шунингдек империализмга қарши чиқаётган кучлар бутун фронтини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди, деб умид қилади. Бизнинг партиямиз коммунистлар халқаро кенгашининг муваффақиятли ўтишини таъминлаш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўради.

* * *

Ўртоқлар!

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига атиги бир йил қолди.

Асримизнинг революцион йилномасига ёзилган чинакам улуғвор ва катта воқеаларда Ленин ғояларининг ҳаётбахш нафаси сезилиб турибди. Ленинизм ўзининг революцион моҳияти эътибори билан интернационал таълимотдир, чунки ишчилар синфининг иши, социализм ва коммунизм иши интернационал иш, дир. Ленин қилган ҳамма ишлар халқимизнинг, партиямизнинг ифтихори бўлиб, жаҳон коммунистик ҳаракатининг буюк мулкидир.

Бизнинг партиямиз, совет халқи улуғ революциянинг буюк йўлбошчиси туғилган кунининг 100 йиллигини синфдош ва янги жамият қурётган ўз қардошлари билан биргаликда муносиб нишонлашга тайёрланмоқда. Бизда Ленин юбилейига тайёргарлик бутун партиянинг иши, бутун халқнинг иши бўлиб қолди. меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ғоят кучайтириб юборди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш, фан ва маданиятни янги кашфиётлар ва янги ижодий ишлар билан бойитиш, ҳар бир кишининг коммунизм қуришдан иборат муштарак ишга ўз ҳиссасини қўшиши — Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини нишонлашнинг энг мақбул усули эканлигини совет кишилари яхши биладилар.

Совет кишиларининг Ленининг ўлмас ғояларига садоқати халкнинг бунёдкорлик ижодида, унинг ғайрати ва фаолиятида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслиги!

Яшасин улуғ Ленининг зафарли байроғи!

(Ўртоқ И. В. Капитоновнинг доклади эътибор билан тингланди ва гулдурос қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА ДЕЛЕГАЦИЯЛАР КЕЛМОҚДА

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Я. Кадар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштироки билан ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 21 апрелда Москвага келди. Делегация составида қуйидагилар бор: Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия революцион ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг Раиси ўртоқ Е. Фок, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия революцион ишчи-деҳқонлар ҳукумати раисининг ўринбосари ўртоқ А. Апро, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Р. Ньеош.

Внуково аэродромида венгриялик ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. С. Полянский, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

* * *

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштироки билан ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 21 апрелда Москвага келди. Делегация составида қуйидагилар бор: Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Д. Моломжамц, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Д. Гомбожав, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Госплани Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. Содном, Монголия Халқ Республикасининг молия министри ўртоқ Ц. Моломдорж.

Внуково аэродромида монголиялик ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

* * *

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ Н. Чаушеску бошчилигидаги РСР делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 22 апрелда Москвага келди. Делегация составида: РКП Марказий Комитети ижроия комитети ва доимий президиумининг аъзоси, РСР Министрлар Советининг раиси ўртоқ И.Маурер, РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Г. И. Воронов, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

* * *

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегацияси, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг унга аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқлари иштирокида бўладиган сессиясида қатнашмоқ учун 22 апрель куни Москвага келди. Делегация составида: ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР федерал ҳукуматининг Раиси ўртоқ О. Черник, ЧКП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. Индра, ЧССР федерал ҳукумати Раисининг ўринбосари ўртоқ Ф. Гамоуз, ЧССР планлаштириш министри ўртоқ Ф. Власак, ЧССРнинг СССРдаги элчиси ўртоқ В. Коуцкий бор.

Внуково аэродромида чехословакиялик ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси,СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

* * *

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ Н. Чаушеску бошчилигидаги РСР делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 22 апрелда Москвага келди. Делегация составида: РКП Марказий Комитети ижроия комитети ва доимий президиумининг аъзоси, РСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ И.Маурер, РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари, РСР давлат кенгаши раисининг ўринбосари ўртоқ М. Мэнеску, РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, РСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Г. Рэдулеску, РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, РСР давлат план комитетининг раиси ўртоқ М. Бергиану бор.

Внуково аэродромида руминиялик ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

* * *

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Гомулка бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштироки билан ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 22 апрелда Москвага келди. Делегация составида: ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Ю. Циранкевич, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ,ПБИП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Яшчук, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ П. Ярошевич, ПБИП Марказий Комитетининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети ҳузуридаги планлаштириш комиссиясининг раиси ўртоқ Ю. Кулеша бор.

Внуково аэродромида польшалик ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси ўртоқ А. Н. Шелепин, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ТАСС).

* * *

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси ўртоқ Т. Живков бошчилигидаги БХР делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштироки билан ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 22 апрелда Москвага келди. Делегация составида: БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, БХР планлаштириш Давлат комитетининг раиси ўртоқ Т. Цолов, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКП Марказий Комитети планлаштириш иқтисодий бўлимининг мудири ўртоқ С. Дилбоков бор.

Внуково аэродромида болгариялик ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

* * *

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ В. Ульбрихт бошчилигидаги ГДР делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари иштироки билан ўтказиладиган шу кенгаш сессиясида қатнашиш учун 22 апрелда Москвага келди. Делегация составида: ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг раиси ўртоқ В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Э Хонеккер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. Миттаг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ГБСП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ГДР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Г. Вейс, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, ГДР Госпланининг раиси ўртоқ Г. Шюрер, ГДР молия министри ўртоқ З. Бем, ГДРнинг СССРдаги элчиси ўртоқ Х. Биттнер бор.

Внуково аэродромида немис ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети. Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

ИЛЬИЧ БИЛАН ҲАМИША ҲАМНАФАСМИЗ

А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри 22 апрель куни байрамдагидек безатилди. В. И. Ленин туғилган кунининг 99 йиллигига бағишланиб, бу ерда ўтказилган тантанали мажлисда қатнашмоқ учун Ўзбекистон пойтахти ишлаб чиқариш коллективларининг вакиллари, таниқли фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Совет армиясининг жангчилари келишди.

Мажлис президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, Ё. С. Насриддинова, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, революцион ҳаракат ветеранлари ўтиришибди.

Мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очади. КПССнинг ленинча Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат фахрий президиум баланд руҳ билан сайланади.

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

В. И. Ленин туғилган кунинг 99 йиллиги тўғрисида доклад қилмоқ учун республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусаҳоновга сўз берилади.

Докладчи Ленин ғояларининг улуғ тантанаси даври бўлган ҳозирги тарихий даврни ҳар томонлама тавсифлаб, шуни таъкидлайдики, Ленин ва ленинизм СССРдаги миллион-миллион коммунизм бунёдкорларининг ишларида, социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг илҳомбахш ижодида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг қаҳрамонона фаолиятида яшаб келмоқда.

Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданияти равнақ топганлиги ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далилидир. Совет халқларининг Ильич воғга етказган дўстлиги қудратли бунёдкорлик кучига эга эканлиги республиканинг ҳамма муваффақиятларида намоён бўлди. Барча қардош республикалар ёрдами билан қайтадан тикланаётган янги Тошкент қурилишининг улкан кўламида бу нарса яққол кўриниб турибди.

Ленин, деди докладчи, халқаро ишчилар синфи, коммунистик ҳаракатнинг бирлиги учун ҳормайтолмай кураш олиб борди. Ленин тузган ишчилар ягона фронти сиёсати халқаро коммунистик ҳаракатнинг принципиал йўли бўлиб қолди.

Совет кишилари Ленин кунларини меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги, барча мамлакатлар ишчиларининг қардошлиги куни— Биринчи Май байрами арафасида нишонламоқдалар. Шу байрамга кўрилаётган тайёргарлик В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг кўламда қизиб кетган мусобақа билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетди. Узбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда шонли юбилейни коммунистик қурилишда, севикли Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш учун курашда янги катта муваффақиятлар билан нишонлашга қаттиқ бел боғлаганлар.

* * *

Тантанали мажлис қатнашчиларига байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

САЛОМ, МОСКВА!

Москвада Ўзбекистон ССР фани ленинча кунлари

23 апрелда Москвада Ўзбекистон ССР фанининг ленинча кунлари бошланади. Республика олимлари делегацияси шу кунларда қатнашиш учун 22 апрелда Ватанимизнинг пойтахтига келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов делегацияга бошчилик қилади.

Серқуёш республика вакилларини Домодедово аэропортида Москва шаҳар партия комитети, СССР Фанлар академияси, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг вакиллари самимий кутиб олишди.

Москвада ўтказиладиган ленинча кунларда Ўзбекистон фан арбоблари — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. С. Содиков, республика Фанлар академиясининг академиклари А. М. Акрамхўжаев ва В. Қ. Қобулов, Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтининг ректори Т. Изимбетов, профессорлардан Н. Ҳ. Деҳқонхўжаева, Л. П. Қаюмов, Э. Ю. Юсупов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ғ. Е. Умаров ва А. Д. Дадабоев, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленеси раисининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати Қ. Ф. Фозилхўжаев қатнашади.

Москвада Ўзбекистон ССР фанининг ленинча кунларида пойтахт аҳолиси ва унинг меҳмонлари республикамизнинг фан соҳасидаги ютуқлари билан таниша оладилар. Ўзбекистон олимлари пойтахтдаги саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ва илмий тадқиқот институтлари коллективлари олдида ижодий ҳисоб берадилар. СССР Фанлар академиясидаги ўз касбдошлари билан учрашадилар.

А. ЕРШОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Япония социалистик партиясининг СССРда меҳмон бўлиб турган делегацияси аъзоларидан бир группаси Тошкентга келди.

Делегация аъзолари Тошкентга келган биринчи кун — 22 апрелда шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари билан учрашдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Японнидан келган меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар. (ЎзТАГ).

ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 22 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан бери чигит экиш плани (процент ҳисобида), учинчи стун — бир кунлик чигит экиш планининг бажарилиш процента

Оққўрғон	29440	9511	32,3	1499	5,1
Янгийўл	24316	6155	25,3	120	0,55
Ўрта Чирчиқ	24470	4675	19,9	1527	6,5
Оржоникидзе	2400	450	18,8	110	4,6
Бекобод	20464	3051	14,9	214	1,00
Бўка	35500	1493	4,2	27	0,1
Юқори Чирчиқ	6510	153	2,3	—	—
Область бўйича	142100	25488	17,9	3497	2,4

ДАМАНСКИЙ ороли қаҳрамонлари — чегарачилар Москвада Қизил майдонда. Олдинда Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Д. Бубенин (ўртада) ва Ю. В. Бабанский (ўнгда).
А. Стужин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ДАМАНСКИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Новости матбуот агентлиги „юмалоқ столи"

Узоқ шарқлик чегарачилар совет Даманский оролидан хитойлик ирғоғарларни қувиб чиқарганига бир ой бўлди. Ватан ўз фарзандларининг мардлиги ва сабот-матонатини юксак баҳолади. СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан чегарачиларнинг катта группаси ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Москва қаҳрамонларни қизғин қарши олди. Улар завод ва фабрикалар, институт ва мактаблар, қурилиш ва театрлар ҳамда пойтахт аҳолисидан минглаб таклифномалар олдилар.

Уссури чегара отряднинг шон-шуҳрат қозонган жангчилари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари капитан Виталий Бубенин, старший сержант Юрий Бабанский, Ленин ордени билан тақдирланган подполковник Александр Константинов АПН журналистлари билан учрашувга келдилар. Суҳбатда чегара қўшинлари снёсий бошқармасининг вакили подполковник Петр Иванчишин иштирок этди.

Чегарачилар журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

САВОЛ. Март ойида Даманский оролида юз берган воқеалар ва сизнинг отрядингиз жангчиларининг шонли ишлари ҳақида матбуотда батафсил маълум қилинди. Сиз ўз қисмингизнинг жанговар традициялари ҳақида нималарни айтиб беришингиз мумкин?

КОНСТАНТИНОВ: Бизнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Уссури чегара отрядимиз Қизил Армиянинг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган жанглари вақтидаёқ ташкил топган бўлиб, Узоқ Шарқ территориясидан босқинчиларни қувиб чиқарган эди. У Щчегловский полки базасида ташкил топган. Ўша вақтдан буён отряд Приморье ва Хабаровск ўлкаси районларининг Амур, Уссури, Сунгач дарёлари, Ханка кўли ёқасида Ватан чегараларини ҳимоя қилиб келади.

Қисмнинг тарихи қизил қўшинларнинг гражданлар уруши даврида япон босқинчиларига қарши дастлабки жангларидан бошланади. Жанговар анъаналар ўша вақтдан бошлаб юзага келабошлаган. Бу анъаналар мустаҳкамланиб ва кўпайиб борди. Чунки Узоқ Шарқ чегараси нотинч жой бўлиб келди. 1929 йил воқеалари эсимизда. Бу воқеалар шу йил март ойида бўлган воқеаларга нимаси билан ўхшаб кетади. 1929 йилда бизнинг Княжевкадаги заставамизга оқ хитойларнинг катта отряди ҳужум қилган эди. Улар муносиб зарба олганлар. Бу жангда застава бошлиғи Григорьев ва бир неча қизил аскар ҳалок бўлган эди. Уларни жангчиларга хос бўлган эҳтиром билан Иман шаҳридаги паркка дафн этишган.

1969 йили биз шу жойга застава бошлиғи старший лейтенант Стрельниковни, отряд бошлиғи полковник Леоновни, лейтенант Маньковский ва хитой ирғоғарлари қўлида ҳалок бўлган бошқа дўстларимизни дафн этдик. Биз уларнинг ўлимидан чуқур мотамдамиз. Аммо душман муносиб жазо олди. Бу бизнинг жанговар традицияларимизнинг муносиб давоми бўлди. Чунки чегарачиларнинг ҳамма авлоди мардлик, жасорат, сабот-матонат кўрсатиб келган. Ватаннинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилишда ҳамиша коммунистлар, командирлар олдинда боришган.

Бир-бирига ёрдам қилиш — бизнинг анъаналаримиздан бири. Бу анъана ҳозирги жангчиларга, ёш авлодга, 19—20 ёшли йигитчаларга ҳам ўтган. Буни Анатолий Денисенконинг жасорати ҳам кўрсатиб турибди.

Шу йилнинг 23 январида хитой солдатлари Даманский оролига бостириб киришга уриндилар. Улар чегара дозори билан кўл жанги бошладилар. Дозорга старший лейтенант Стрельников командирлик қиларди. Оддий аскар Денисенко бу жангда застава бошлиғининг ҳаётини қутқариб қолди. Ароқ ичиб олиб ширакайф бўлган бир группа хитойлар (улар ичмасдан бундай ишга кўл урмайдилар) Стрельниковга ташланганда Денисенко командирига мўлжалланган автомат кўндогининг зарбасига ўзини тутди. Совет жангчиси огир ярадор бўлса ҳам сафда ўз постини ташлаб кетмади.

САВОЛ. Сиз отрядингиз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигини айтдингиз. Жанговар қисм бўлса-ю, яна меҳнат ордени олган бўлса? Шуни тушунтириб берсангиз.

КОНСТАНТИНОВ. Бу ҳам бизнинг яхши анъаналаримиздан бири. Отряд ҳамма вақт маҳаллий аҳоли билан яқин алоқада бўлади—бир-бирига ёрдамлашиб туради. Бизнинг отрядимиз Совет Иттифоқида меҳнат ордени билан мукофотланган ягона отряд бўлса керак. Биз уни шунинг учун олганмизки, қисм жангчилари бу ерда тез-тез бўлиб турадиган сув тошқинига қарши курашда кўп бор қатнашганлар. Чегарачилар одамларни, колхоз ва давлат мулкини қутқариб қолишган.

Сиз суратларда бизнинг бронетранспортерларимизни кўрган бўлсангиз керак. Улар 2 ва 15 мартда Даманский оролида бўлган жанговар ҳаракатларда қатнашган. Мана шу машиналар маҳаллий аҳолига ёрдам кўрсатиш вақтида ҳам қўл келди. Булар сузиб юрувчи бронетранспортерлардир. 1967 йилнинг ўзида биз қутқариб қолган бойлик миллионлаб сўмга тенг келади.

Меҳнат ордени — халқнинг чегара жангчиларига нисбатан меҳр-муҳаббат ва ташаккурининг ифодасидир. Жангчилар жангни аъло даражада олиб бориш билан бирга меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини ҳам кўрсата оладилар.

Мен яқиндагина Имандан учиб келдим. Отрядга ҳар куни қандайдир делегация меҳмон бўлади. Булар орасида узоқ шарқликлар ҳам, уралликлар ҳам, москваликлар ҳам бор. Умуман олганда бизда 250 дан ортиқ делегация меҳмон бўлди. Уларнинг аксарияти албатта жасур, биз билан давлат чегарасини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр турган примореликлардир. Бунга ака-ука Авдеевлар мисол бўла олади. Улар ҳақида сиз эҳтимол билсангиз керак. Нижне-Михайловкалик балиқчилар бригадири Авдеев отишмани эшитган замон чегарачиларга ёрдамга келди. Новчадан келган, ғавдали бу йигит ҳақиқий тайга овчисидир. Мен ундан нима учун келганлигини сўрадим. У «патронлар олиб келдим», деб айтди. Патрон тўла иккита сафар халтасини кўтариб келибди. Тасаввур қилинг-а, ўша вақтда бу қанчалик муҳим эди. Унинг қариндошлари тайга сўқмоқлари оралаб бизга қурол-яроғлар етказиб бериб туришди. Тайга сўқмоқларидан фақат пиёда ёки отда юриш мумкин, холос. Қаранг-а, бизнинг қандай ёрдамчиларимиз бор.

Яна кишиларимизнинг юксак ғоявий ва жанговар руҳи ҳақида, уларнинг бизнинг ишимизга садоқати ҳақида, Ватанга муҳаббати ва Коммунистик партияга садоқати, мамлакатни ҳимоя қилишга тайёрлиги, Ватанимизнинг муқаддас чегараларини қўриқлаш учун ўзини фидо қилишга шайлиги ҳақида гапирмоқчиман. Бу айниқса 2 мартда намоён бўлди. Ўшанда, очиқ айтиш керакки, қийин бўлган эди. Чунки бизда ҳатто патронлар ҳам етарли эмасди, маочилар тўсатдан хиёнаткорона ҳужум қилган эдилар. Чегарачилар рўпарадан отиб турган хитойлар ўқи остида қолиб, сўнгги томчи қони қолгунча жанг қилдилар. Ярадор бўлган ва ўлган ўртоқларимизда битта ҳам патрон қолмаган эди. Уларни биз кейин оролдан олиб чиқиб кетдик. Одамлар ҳужум қўққисдан бўлганлигини, кутилмаган жангга дуч келганликларини тушуниб қатъий курашдилар. Ярадор бўлганларни вертолетга ўтказиш учун буйруқ беришга тўғри келди.

Эсимда, старший лейтенант (ҳозир капитан) Бубенинни кўриб қолдим. Ҳозир у кўринишдан, очиқ айтиш керакки, анча яхши. Ўшанда у қоп-қорайиб кетганди. Ҳаммаёғи қонга беланганди. Огир ярадор бўлиб, ўқтин-ўқтин ҳушидан кетиб қолар эди. «Тирикмисан?» деб сўрасам, «Тирикман», — деб жавоб қилди. «Госпиталга жўнанг» — талаб қилдим мен. «Бормайман, — деди у, — меникилар шу ерда-ку». Гапга кўнмай қаршилик қилаверди. Яхшиямки, ёнимизда Захаров бор экан. У ҳам ярадор эди. Захаров уни кўтариб олиб Уссури музи устидан бизнинг қирғоққача етиб келди. Сўнг госпиталга жойлаштирдик.

САВОЛ. Бу воқеалар сиз учун тасодиф бўлдими? Бу воқеалар ҳақида матбуотда эълон қилинганига кўшимча қилиб яна нималарни айтиб беришингиз мумкин?

КОНСТАНТИНОВ: Даманский оролидаги воқеалар биз учун тасодифий бўлмади. Хитойлар бу қиш ирғоғарликларга тайёрланавердилар. Биз уларни бартараф этишга ҳамиша шай эдик. Аммо бундай воқеалар қуролли тўқнашувга айланишини ҳеч қачон истамаган эдик. Бунгача нима бўлганлигини юқорида айтиб бердик. 1967 йилдан бошлаб оролларга фақат хитойлик солдатларни юборишарди, маҳаллий аҳолини улар бу ерга қўйишмасди.

(Давоми бор).

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА

ВЕТЕРАН ХОТИРАЛАРИ

Яқинда Садриддин Айний номли 52-ўрта мактабда ажойиб учрашув бўлиб ўтди. Комсомол ветерани Р. Масобиров ўқувчиларга ингирманчи-ўттизинчи йиллардаги воқеалар ҳақида гапириб берди, тенгдошларининг жасоратлари тўғрисидаги хотираларини ҳамма берилиб эшитди.

Юқори Чирчиқ район комсомол комитетининг секретари И. Ихматов, мактаб директори З. Йўлдошев ва бошқалар ўқувчиларни аъло ўқишга, оталаримиз ишининг муносиб давомчилари бўлиб етишишга чақиридилар.

Пировардида 50 ўқувчига тантанали суратда Ленин комсомоли билети топширилди.

И. Одилов.

ИШЧАН ПОЧТАЛЬОН

Зиёд Муродовни Орджоникидзе районидаги 17-алоқа бўлимида ҳамкасблари, Охунбобоев, Ворошилов номли, «Оқ олтин», «Оганай» участкаларидаги кекса-ю-ёш ҳурмат қилади. У бундай иззатга меҳнатсеварлиги, ширинсуханлиги билан сазовор бўлган.

Қишлоқ аҳли З. Муродовни ҳар эрта тонг яқин кишисидек кутиб олади. Почтальон ҳам газета-журналларни барвақтроқ эгаларига топширишга интидаи. Ҳар куни 700 га яқин хонадонга хат-хабарлар, газета-журналлар элтиш осон эмас. Бу ишни чарчаш нималигини билмайдиган З. Муродов сидқидилдан бажариб келяпти.

Р. Очилов.

ХАВФ-ХАТАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Чотқол тоғлари сийнасини қоплаб ётган қор эриб ҳамиша сокин оқадиган Дукент анҳори ўжарлик қила бошлади. Катта-катта ҳарсанг тош ва тоғ жинсларини суриб келабошлади. 300 га яқин киши яшайдиган Грум посёлкаси, кончилар шаҳрининг улкан дарвозаси — Ангрен — Янгишаҳар — Тошкент марказий автомагистрал йўли ва икки кўприк жиддий хавф остида қолди.

Дарҳол тошқинга қарши ҳашарчилар группаси тузилди. Унга коммунист Абдуқодир Аҳмедов бошчилик қилди. Икки бульдозер, икки грейдер ёрдамида кишилар бир неча юз метрда ўпирилаётган қирғоқларни қайта тикладилар. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишладилар, ҳатарли жойларни арматура, бетон ва темир тўсиқлар билан мустаҳкамладилар.

Грум посёлкасининг довюрак азаматлари табиат инжиқлигини енгиб, фалокатнинг олдини олишга муваффақ бўлдилар.

А. Кўкиев.

МАГАЗИН ВА АЛОҚА БЎЛИМИ

«Оққўрғон» совхозининг 4-бўлими қиёфаси тобора гўзаллашиб боряпти. Чиройли ва кўркам бинолар қурилмоқда. Яқинда ойнавандли магазин ва алоқа бўлими учун қурилган бинолар фойдаланишга топширилади.

Т. Миркурбонов.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Яқинда Тошкент қўғирчоқ театрининг бир группа артистлари Оққўрғон районининг бир қатор қишлоқларида бўлиб, кичкинтойларни хурсанд этиб қайтишди. Улар Солдатское посёлкасида, район марказида, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида, Гоголь номли 1-ўрта мактабда бўлиб, кичкинтой томошабинларга «Вали ботир» спектаклини кўрсатишди.

Н. Тўфонов.

ИРОҚДАН ХАТ

Тошкент Давлат медицина институти адресига Ироқдан хат келди. Уни институтни ўтган йили тамомлаган Анвер Али Шавкат ёзиб юборибди.

«Бағдодда мени ота-онам, қариндош-уруғларим қувонч билан кутиб олишди. Уйдан ўқишга бир ўзим кетган эдим. Ватанимга эса хотиним ва ўғлим билан қайтиб келдим. Турмуш ўртоғим Наташани оиламизда ҳамма ҳурмат қилади, у араб тилини ўрганмоқда.

Ўзим Рамадидаги республика касалхонасида ишлаяпман. Ҳамкасабаларимнинг кўпчилиги Ғарбнинг турли мамлакатларида таълим олиб қайтишган. Билимим уларидан яхши бўлса яхшики, ёмон эмас. Қийналмай ишлаяпман. Менга шунча илм берган ТошМИнинг барча ўқитувчиларига миннатдорчилик йўллайман. Ажойиб шаҳар Тошкент сира кўз ўнгимдан кетмайди».

Турли чет мамлакатлардан келиб, ТошМИни битириб ватанига шифокор бўлиб қайтган кўплаб мутахассислардан хатлар келиб туради. Улар ўз ишлари ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга ўзбекистонлик устозларига миннатдорчилик сўзларини баён қилишади.

Анвер Али Шавкат билан бирга ироқлик студентлар Нихад Обтар Омар, Юнис Ҳусейн Абдалла, Абдул Салом Мустафо Маки, Рида Ал-Раммах, Муҳаммад Асо Қодир, Абд Али Альтан, Ғаним Петрос Юган, Собир Тоҳир Ал-Баётийлар ҳам Тошкентдан ватанларига шифокор бўлиб қайтишди.

А. КИМ.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Совет зиёлилари оммавий кўнгилли «Билим» жамияти республика правлениесининг 21 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги пленуми шу жамият ташкилотларининг халқ университетларига ёрдамини кучайтириш вазифаларига бағишланди. Халқ университетлари республика Советининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қори—Ниёзов доклад қилди.

Пленумда Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Н. Л. Снежкова нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан халқ университетлари ишини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Спорт

ДОНЕЦКДА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни Донецк шаҳрида маҳаллий «Шахтер» командаси билан ўтказди. Учрашувнинг дастлабки минутлари тенг кураш остида ўтган бўлса-да, ярим соатдан кейин мезбонлар ташаббусни қўлларига олдилар ва ўйиннинг охиригача устунлик қилдилар. «Пахтакор» 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Тўпларни В. Шаличев (иккита) ва В. Яремченколар киритди.

МЕКСИКАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШ УЧУН

Келаси йил Мексикада бўладиган жаҳон футбол чемпионати финалига йўлланма олиш учун саралаш мусобақалари давом этмоқда. Краковда Польша футболчилари Люксембург командаси устидан йирик ҳисобда (8:1) устунликка эришишди. Ўтган мавсумда мамлакатнинг энг яхши спортчиси деб танилган «Гурник» ҳужумчиси В. Любанский бу ўйинда 5 та тўп киритди.

Никозияда Австрия терма командаси Кипр командаси билан бўлган жавоб матчида яна ғалаба қозонди. — 2:1.

СОФИЯНИНГ СУЗИШ ЙЎЛКАЛАРИДА

Ўзбек ва болгар сузувчилари ўртасида мусобақа ўтказиш анъанага айланиб қолган. Болгария спортчилари Тошкентга, Ўзбекистон сузувчилари эса Софияга бориб туришади. Бу галги дўстлик учрашуви Болгария пойтахтида бўлди.

Эркаклар ўртасидаги бахс ўзбек спортчилари фойдасига 102—100 ҳисобида тугаган бўлса, аёллар учрашувида мезбонлар кўли баланд келди. Умумий 206:198 ҳисобида Болгария спортчилари ғалаба қозонишди.

МУКОФОТ ОЗАРБАЙЖОНЛИКЛАРДА

Пойтахтдаги «Ёшлик» спорт манежида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мукофоти учун қиличбозлар ўртасида ўтказилган навбатдаги 6-традицион мусобақа ниҳоясига етди. Бу гал ҳам бир неча қардош республикалар спортчилари иштирок этишди. Жиддий курашдан кейин Озарбайжон командаси биринчи ўринни эгаллади ва мукофот эгаси бўлди. Ўзбекистон қиличбозлари иккинчи ўринда қолишди.

Л. ГОЛЬДМАН — РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

Чирчиқ шаҳрида аёллар ўртасида бир неча кун давом этган республика XXVIII шахмат чемпионати ниҳоясига етди. 11 иштирокчидан 10 очко тўплаган тошкентлик студент Люся Гольдман ғолиб келиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Ундан ярим очко кам тўплаган Зоя Манина иккинчи, 9 очко олган Л. Вихарева учинчи ўринни эгаллашди.

ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР

Пойтахтдаги Армия спорт клубида қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган мусобақалар уч кун давом этди. Тошкент, Чирчиқ, Андижон, Фарғона шаҳар командалари, «Меҳнат», «Старт», «Ёш куч» жамияти вакиллари ғолиблик учун куч синашдилар. «Ёш куч» жамиятининг аҳил командаси ғолиб келди. Шахсий ҳисобда Наташа Гришина энг кўп балл тўплаб, республика чемпиони бўлди.

Суратда: қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган мусобақа ғолиби Н. Гришина.

Космонавт Юрий Гагарин мукофоти учун енгил атлетикачилар ўртасида ўтказилган мусобақалар кескин курашларга бой бўлди. Бунда бир неча кўнгилли спорт жамияти терма командалари қатнашди. Суратда: 200 метрга бўлган мусобақа пайтини кўриб турибсиз.
А. Угай фотолари.

МАКТАБДА КЕЧА

Шу куни оқшомданоқ мактабда улуғ доҳий, шонли Коммунистик партия ва она-Ватанга бағишланган шеърлар янграй бошлади. Мактаб музика ўқитувчиси Рихсивой Худойбергановнинг шогирдлари билан тайёрлаган қувноқ концерт программаси йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Республикада хизмат кўрсатган артист Рихси Иброҳимова ва Ёқуб Аҳмедовларнинг чиқишлари ҳам кечага файз киритди. Улар «Йўлчи Юлдуз» ва «Алишер Навоий» драмаларидан диалог ва монологлар ижро этдилар.

Тантанали кеча сўнгида улуғ доҳий туғилган кун шарафига 15 октябрят пионер сафига, 15 пионер эса комсомол сафига қабул қилинди.

Адабий-музикали кеча Тошкентдаги 76-мактабда бўлиб ўтди.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 — Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан болалар хор қўшиқлари биринчи фестивалининг якунловчи концерти олиб кўрсатилади. 18.30 — Телеэнгилликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 — Ун минут музика, 18.55 — Тошкент метроси қандай бўлади? 19.20 — Юрак амри билан» (бадиий фильм). 20.55 — Телеэнгилликлар. 21.55— Чорвадорлар учун эшиттириш. 21.55 — Кенса санъат усталари навозиш қилганда Муллатўйчи Тошмуҳамедов.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Тошкент ва Москва кўрсатишлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 20.00 — Хужжатли фильм.

Рус тилида: 20.30 — Болтиқ бўйи республикалари эстрада куйларидан концерт, 20.55 — Хужжатли фильм, 21.15 — «Ўтмиш саҳифалари» бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 23IIV да Ҳамза (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 23IIV да Бўрон кўши, 24IIVдаШоҳ Эдип (билетлар сотилган).

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23IIVда Ун икки кеча ёки турфа ҳангомалар, 24/IV да Ўғил уйлантириш.

КИНО

Турнахон — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Шанба оқшомидаги базм — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қоҳира 30 йилларда — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 9.45 ва кеч 6.45 минутларда)

Кўк дафтар — НАВОИ НОМЛИ (эрталаб соат 10 да).

ФАҚАТ «САНЪАТ САРОЙИДА»
23 апрелдан бошлаб
«БРИЛЛИАНТ ҚЎЛ»
номли янги кенг экранли кинокомедия

Намойиш қилинади
«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Сценария авторлари — М. СЛОБОДСКОЙ, Я. КОСТЮКОВСКИЙ, Л. ГАЙДАЙ.

Постановчи — режиссёр— Леонид ГАЙДАЙ.

РОЛЛАРДА: Ю. НИКУЛИН, Н. ГРЕБЕШКОВА, С. ЧЕКАН, В. ГУЛЯЕВ, А. ФАНТ, Н. МОРКЮКОВА, А. МИРОНОВ.

СЕАНСЛАР: эрталаб соат 9.45, 11.30, кундуз 1.15 минутларда, 5 да, кеч 6.45, 8.30, 10.15 минутда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Справка учун телефонлар: 4-21-74, 4-20-34.

ГОРЬКИЙ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ

ўз ишларини тамом бўлиши муносабати билан, қурилиш материаллари, инвентарь ва ҳархил ашъё ва анжомларни

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент-126, «Россия» шаҳарчаси. Телефон № 7-7-47-30

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДОСААФ КОМИТЕТИНИНГ ХИЗМАТЧИ ИТ ИШҚИБОЗЛАРИ КЛУБИ

чегарачиларга 10 ойдан 2 ёшгача бўлган шарқий-европа зотли овчаркаларни

ТАЙЁРЛАЙДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Леваневский кўчаси, 43-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институти коллективи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. М. Мўминовга акаси профессор

Муса Мўминович МУМИНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048, Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01322. ИНДЕКС — 6469. Б — 2265.